O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 9 (242) • 2010 йил 1 март

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Қонунчиликдаги янгиликлар

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ*

## СЕРТИФИКАТ ТАЛАБ ҚИЛИНГ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 февралдаги 18-сон қарори билан Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларига ўзгартишлар киритилди** *(«СБХ»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Уларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотиш, шунингдек дорихона муассасалари томонидан юридик ва жисмоний шахслардан мувофиқлик сертификатлари бўлмаган дори-дармонлар ва тиббий буюмларни қабул қилиб олиш ва сотиш; қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситаларини, шунингдек республикада рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини сотиш тақиқланади.

## ҲАРБИЙ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 21-сон қарори билан Ҳарбий академик лицей тўғрисидаги низом; ҳарбий академик лицейларнинг намунавий штат жадвали; ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларининг кийим-бош формаси намуналари, уларни кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ инвентарь билан таъминлаш нормалари ва улар овқатланишининг суткалик нормаси тасдиқланди.**

Шу муносабат билан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги низомга *(Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган)* ва Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомга *(Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган)* тегишли ўзгартишлар киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 октябрдаги «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 223-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилди.

## ҲАР БИР ОТ КУЧИ УЧУН ЭКИҲнинг 5 БАРАВАРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги 22-сон қарори билан мамлакат ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритилди.**



Чунончи, Давлат божи ставкаларининг *(Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан рўйхатдан ўтказилган)* 4-банди «к[1]» кичик бандининг биринчи хатбоши янги таҳрирда баён қилинган. Энди юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, хорижий юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган, уларни импорт қилиш (олиб келиш) санасидан бир йилдан кам муддат ўтган янги енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни, олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳам ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида ундирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 263-сон қарорига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори 4-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари 2015 йил 1 январга қадар узайтирилди, шунингдек умумтаълим мактабларининг бюджетдан ташқари даромадлари бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилган.

Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарори билан тасдиқланган), Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида» 351-сон қарори, Маҳсулот (ишлар, хизматлар-)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) замонавий қонун талабларига мувофиқлаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 4 майдаги 213-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб топилди, унга мувофиқ «ЎзДЭУ авто» АЖнинг ички бозорда сотиладиган автомобилларига акциз солиғи ставкаси 25%ни ташкил этган. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган авиация керосинига акциз солиғи жорий этиш тўғрисида» 271-сон қарори ўз кучини йўқотган деб эътироф этилди.

## ТОК УЧУН МАСЪУЛИЯТЛИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 23-сон қарори билан «Ўзбекэнерго» ДАК электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли орган, «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси эса электр энергетикаси соҳасидаги давлат назорати органи этиб белгиланди.**



*Ҳужжат билан белгиланишича, «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси раҳбарлари «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонунга (2009 йил 30 сентябрдаги ЎРҚ-225-сон) мувофиқ ваколатли органларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.*

Ҳужжат билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

## ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 8 февралда 1927-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Болаликдан ногиронларга нафақаларни тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга** *(рўйхат рақами 1927, 2009 йил 27 март)* ҳужжатни Президентнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига *(2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон)* мувофиқлаштирувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

**2010 йил 18 февралдан кучга кирди.**

## БИРЛАШТИРИЛГАН ИМТИЁЗЛАР

**Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 15 февралда 1688-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг 2010 йил 22 февралдаги 8 (241)-сонида чоп этилган).* Уларга кўра хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзлар энди ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишда ҳам қўлланилади.

**2010 йил 25 февралдан кучга кирди.**

## БАЛИҚ ОВЛАШ КОРХОНАЛАРИ УЧУН ИЖАРА ҲАҚИ ЎЗГАРДИ

**Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 15 февралда 1292-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун**



**ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга** *(рўйхат рақами 1292, 2003 йил 20 декабрь)* **ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

**2010 йил 25 февралдан кучга кирди.**

## БОЖХОНАГА АСЛ НУСХА БЕРИЛАДИ

**Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 17 февралда 834-20-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага** *(рўйхат рақами 834, 1999 йил 3 ноябрь)* **ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди** *(«СБХ»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Энди декларант божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган БЮД ва ҳужжатлар билан бирга **тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхатини** икки нусхада тақдим этади, рўйхат декларантнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. Рўйхатнинг иккала нусхасига унда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг асл нусхалари ва (ёки) нусхалари илова қилинади. Божхона органига қуйидаги ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари тақдим қилинади: маданий бойликларни олиб чиқиш ҳуқуқига сертификат; импорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиш сертификати; ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган маҳсулот сертификатлари; Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга *(МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг АВ томонидан 2008 йил 19 сентябрда 1857-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* мувофиқ берилган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хулосалари. Ҳужжат билан бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

**2010 йил 27 февралдан кучга кирди.**

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ТУШУНЧАЛАРИ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 19 февралда 1127-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)***

2-бетда

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
2-бет Маслаҳатни юрист беради
4-бет Иқтисодий ҳуқуқбузарлик ҳақида
6-бет Меҳнат стажи ва пенсия

$1 = 1537,35 сўм € 1 = 2252,22 сўм £1 = 2506,03 сўм ¥10 = 167,85 сўм

Қонун чиқарувчи эътиборига

# УЛУШ ҚИСМАН ҚАРАШЛИ БЎЛМАЙДИ

***Мен мағзини чақмоқчи бўлган саволга бериладиган объектив жавоб, фикримча, кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар учун долзарбдир. Унинг моҳияти қуйидагидан иборат.***

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг *(1999 йил 19 августдаги 811-I-сон, бундан кейин – Қонун)* 11-моддасида ёзилишича: «Баҳолашни ўтказиш ***давлатга тўла ёки қисман қарашли*** баҳолаш объектлари битим тузишга жалб этилган тақдирда, шу жумладан:

баҳолаш объектларини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ишончли бошқарувга топшириш ёки ижарага бериш мақсадида уларнинг қиймати аниқланаётганда;

баҳолаш объектларидан гаров нарсаси сифатида фойдаланилаётганда;

баҳолаш объектлари сотилаётганда ёки ўзга шахсга бошқача тарзда ўтказилаётганда;

баҳолаш объектлари билан боғлиқ қарз мажбуриятларидан бошқанинг фойдасига воз кечилаётганда;

баҳолаш объектлари юридик шахсларнинг устав фондларига улуш тариқасида берилаётганда мажбурийдир».

Адвокатлик хизматларини кўрсатарканман, мен давлат назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу моддага амал қилиб, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар мол-мулкини давлатга қисман қарашли бўлган, демак, мажбурий баҳолаш ўтказишни ва уни учинчи шахсларга бераётганда бозор қийматини белгилашни талаб қиладиган мол-мулк деб эътироф этадиган вазиятга кўп бора тўқнаш келганман. Бунинг оқибатида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам ана шу йўлдан борди.

Ҳақиқатан ҳам шундайми? Ёхуд Қонуннинг 11-моддаси ҳар ҳолда аввало ушбу «қисман қарашлилик»нинг ҳуқуқий мақомини белгилаган ҳолда бироз бошқача қўлланиши керакми?

Мулк ҳуқуқи – исталган ривожланган давлат фуқаролик қонунчилигининг ажралмас қисми. Ҳар қандай жамиятда у марказий ҳуқуқий институт сифатида майдонга чиқади, иқтисодий категория сифатида мулк муносабатларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди ва тартибга солади. Ривожланиш тарихининг кўрсатишича, давлат мулкчиликнинг турли шаклларига йўл қўядиган, рағбатлантирадиган ва ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган иқтисодий модель энг самаралидир.

Ривожланишнинг бозор йўлини танлаб, мамлакатимиз Конституцияда Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини тенг ҳуқуқли ва давлат томонидан баб-баравар муҳофаза этиладиган хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини белгилади. Мулкдорнинг ўзига қарашли бўлган мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи мустаҳкамланди *(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53, 54-моддалари)*.

Конституция қоидаларини ривожлантириб, Фуқаролик кодекси *(ФК)*нинг 167-моддаси билан мулкнинг икки шакли белгиланди ва мустаҳкамланди – хусусий мулк *(207-модда)* ва оммавий мулк – давлат мулки, у республика мулки ва муниципал мулкдан иборат *(213-модда)*.

Қонунда мулк вужудга келишининг асос ва манбалари қуйидагича белгиланган:

**хусусий мулк учун** – меҳнат фаолияти; мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкини хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва бошқа асослар *(ФКнинг 182-моддаси)*;

**оммавий мулк учун** – одатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича *(ФКнинг 214, 215-моддалари)*, шу жумладан давлат унитар корхоналарининг тезкор бошқарувига ёки тижорат ташкилотларининг устав фондларига ҳиссалар сифатида берилган мол-мулкдан тижорат мақсадида фойдаланишдан олинган бошқа тушумлар.

Муҳокама қилинаётган мавзудан келиб чиқиб, давлат томонидан (фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъекти сифатида) ўзига қарашли бўлган мол-мулкдан, уни устав фондига улуш сифатида хўжалик юритувчи субъектга бериш йўли билан, тижорат мақсадида фойдаланилиши вариантини кўриб чиқамиз.

Таъсис этиш далили натижасида хўжалик жамияти ва унинг муассисларида, акциялар, улушлар билан битимлар тузилганида эса – унда ва харидорда муайян ҳуқуқий оқибатлар – ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Бизни қуйидагилар қизиқтиради:

фуқаролик муомаласининг ҳар қандай иштирокчиси сифатида давлат ҳам ўз мол-мулкини хўжалик жамиятининг устав фондига АЖнинг олинган акцияларига ҳақ тўлаш ёки МЧЖ (ҚМЖ) улуши ҳисобига қўйганда оладиган ҳуқуқлар;

ким мулкдор ҳисобланади ва хўжалик жамиятининг устав фондига берилган мол-мулк ва хўжалик фаолияти жараёнида олинган кўпайтирилган мол-мулкка нисбатан унинг ҳуқуқлари қандай.

Жамият унга берилган мол-мулкка нисбатан қандай ҳуқуқларга эгалигини кўриб чиқамиз. ФКнинг 58-моддасига кўра, муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Умумий қоидага кўра хўжалик жамияти уни ўз хоҳишига кўра реализация қилади. Аввало у ўз мол-мулкига нисбатан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир. Айни жамият ***унга қарашли бўлган мол-мулкнинг ягона ва бирдан-бир мулкдоридир*** – муассислар жамият юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб устав фондига киритилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотадилар. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, жамият мулкида унга унинг муассислари (акциядорлари, иштирокчилари) улуш сифатида берган ҳамда харид қилинган, ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарилган мол-мулк бўлади.

Шундай экан, ***«давлатга қисман қарашли баҳолаш объекти»*** деганда нимани тушуниш керак?

Фуқаролик кодексида «қисман қарашли мулк» тушунчаси мавжуд эмас. Агар мол-мулк бирдан ортиқ шахсга қарашли бўлса, фуқаролик қонунчилиги ***«умумий мулк»*** тушунчасини қўллайди. У, ФКнинг 216-моддасига кўра, улушли ёки биргаликдаги мулк сифатида майдонга чиқади, яъни:

«Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган ***(улушли мулк)*** ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган ***(биргаликдаги мулк)*** ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.



Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргаликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Умумий биргаликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади.

Тақсимланадиган мол-мулкнинг умумий биргаликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади».

Шу тариқа, менимча, қонунчилик устав фондида давлат улушига эга бўлган хўжалик жамиятининг мол-мулкини **давлат билан умумий** мулк сифатида эътироф этиш имкониятини назарда тутмайди. Барча акциядорлар, иштирокчиларда (шу жумладан давлатда ҳам) фақат мажбуриятга оид ҳуқуқлар умумий бўлиши мумкин.

Юқорида кўрилганларнинг ҳаммаси **ҳуқуқий омилдир**. Бироқ процессуал ва иқтисодий омиллар ҳам мавжуд.

**Процессуал омил**. Устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларга қўйиладиган, учинчи шахсларга берилаётган мол-мулкни баҳолаш талаби, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти гувоҳлик берганидек, акцияларни учинчи шахсларга бераётганда уларни баҳолаш қисмида ***процессуал жиҳатдан мустаҳкамланмаган.***

***МИСОЛ.*** *Устав фондида давлат улушига эга бўлган жамият баҳоланиши лозим бўлган портфелдаги акцияларини сотишга қарор қилди. Улар бизнесда мулк улуши ҳисобланади ва 9-сон МБМС «Бизнес қийматини баҳолаш»га (Давлат мулки қўмитасининг АВ томонидан 2009 йил 28 октябрда 2026-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига илова) биноан баҳоланиши керак. Баҳолаш таомили баҳоловчига акциялар эмитентининг иқтисодий аҳволи, жорий молия-хўжалик фаолияти ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида ахборот ва материалларнинг жуда кенг рўйхатини тақдим этиш мажбуриятини ўз ичига олади, бироқ эмитент уни баҳоловчига ёки акциялар эгаси – жамиятга тақдим этиши даргумон. Бунинг устига, эмитент баҳоловчини ҳужжатларга яқин йўлатмайди ҳам: биринчидан, уларда ахборотнинг сақланиши ва махфий тутилиши масалаларини тартибга соладиган шартномавий ҳуқуқий муносабатлар мавжуд эмас; иккинчидан, уни йиғиш ва тақдим этиш учун ходимларни жалб этиш лозим; ва, ниҳоят, акциядорлар реестрини тақдим этиш учун (9-сон МБМС талаб қилганидек), кам деганда, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг уни шакллантириш бўйича хизматларига ҳақ тўлаш талаб қилинади.*

**Иқтисодий омил.** Бизнес бошқа баҳолаш объектлари билан таққосланганда энг кўп меҳнат харажатларини ва юқори малакали мутахассисларни жалб этишни талаб қилиши боис, бинобарин, акцияларни баҳолаш бўйича хизматлар қиймати анча юқори бўлади, шу боис ҳам уларни учинчи шахсларга беришдан олиш режалаштирилаётган нафларнинг муҳим қисмини ташкил этиши мумкин.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг расмий сайтда босилган ҳисоботидан кўринадики, Ўзбекистонда устав фондида давлат улуши бўлган 800-1 000 атрофида акциядорлик жамияти фаолият кўрсатяпти. Акцияларни баҳолашнинг аниқ тартиби бўлмаган ва салмоқли харажат қилишни талаб қиладиган бир вазиятда ушбу АЖлар қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчилари бўладими деган саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Шубҳасиз, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг шаклланаётган ҳуқуқни қўллаш тамойили жамият томонидан мол-мулк учинчи шахсларга берилаётганида суиистеъмолликларнинг олдини олишга асосланади. Бироқ, ушбу мақсадга эришиш учун бошқа – унчалик серхаражат бўлмаган ва кўпроқ мослашувчан йўллар борлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Маълумки, барча корхоналар хўжалик фаолиятини амалга оширишда инвестиция фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин. Кўпчилик мамлакатларда инвестициялаш ҳуқуқини ижроия органи жамият акциядорлари (иштирокчилари) манфаатларини илгари сурадиган бошқарувнинг юқори органи – директорлар кенгаши, кузатув кенгашининг рухсати билан олади.

Афсуски, Ўзбекистон қонунчилигида хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг инвестициялаш масалаларида ваколатлари етарлича аниқ чегараланмаган. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» *(1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сон)* ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги *(2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон)* қонунларда улар ***шуъба ва қарам корхоналарни барпо этиш*** ҳуқуқида ифодаланган, бу ҳақдаги қарор АЖда кузатув кенгашининг, МЧЖ (ҚМЖ)да эса умумий йиғилишнинг ваколатларига киритилган. Эътибор беринг – айни ***барпо этиш***.

Фикримизча, ушбу қонунларда «инвестициялаш» тушунчасини янада аниқроқ таърифлаб, унга корхоналарни ***барпо этиш ва тугатиш***, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг капиталларида иштирок этиш (бу эса акциялар, улушлар олди-сотдисини ўз ичига олади), инвестициялашни давом эттириш мақсадида асосий хўжалик фаолиятига кирмайдиган, соҳага оид бўлмаган активларни харид қилиш ва бошқа бандларни ҳам киритишда маъно бор. Инвестициялаш билан боғлиқ барча масалаларни эса фақат умумий йиғилишнинг ёки (бу тезкорлик борасида янада мақбул) кузатув кенгашининг ваколатларига бериш лозим. Давлат улушига эга бўлган жамиятларнинг кузатув кенгашларида албатта давлат вакили ҳозир бўлиши сабабли ҳам бошқа шахсларга бераётганда акциялар (улушлар)ни баҳолаш масалалари, фикримизча, бугунги кунда амалдаги қонунчилик таклиф қилаётганига қараганда самаралироқ ҳал қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтишни хоҳлардимки, фундаментал фан вакиллари ва амалиётчи мутахассисларнинг ана шу анча жиддий мавзу бўйича фикрлари, мен уларни баҳам кўришга чақираман, қонун чиқарувчи учун «мулоҳаза юритишга ахборот», хўжалик юритувчи субъектлар учун эса улар фаолиятида фойдали бўлиши мумкин.

***Александр ЦОЙ,***
***«ADVICE OPTIM»***
***адвокатлик бюроси***
***адвокати.***

# СТАЖ ТЎҒРИСИДА АВВАЛДАН ЎЙЛАШ КЕРАК

**?** ***Менга пенсия 1992 йилда тайинланган эди. Ўша пайтда иш стажим 13 йилу 3 ой ва 23 кунни ташкил қилган. 1994 йилда болани парваришлаш даври учун стажга яна 6 йил ва 1 ой қўшилди ва натижада умумий стажим 20 йилу 2 ойни ташкил қилди.***

***2009 йил 1 мартдан бошлаб Бўстонлиқ туман ижтимоий таъминот бўлими менга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пенсия тайинлади, бунда менинг ҳақиқий стажим бор-йўғи 2 йилу 6 ойни ташкил қилишини рўкач қилди.***

***Ёзма равишда билдирган норозилигимга жавоб беришларича, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи*** *(2006 йил августдаги 16-сон)* ***асосида ўтказилган текширув вақтида менинг стажим нотўғри ҳисобланганлиги аниқланган ва қайта кўриб чиқиш пайтида ундан болани парвариш қилиш даври учун 6 йилу 10 ой ҳамда пилла қурти боққанлик учун 10 йилу 8 ой чиқарилган, чунки ушбу вақт учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланмаган. Бироқ ширкат хўжалиги менга ижтимоий таъминот бўлими қабул қилмаган, унда ишланган вақт учун суғурта бадаллари ушлаб қолинганлиги тўғрисида маълумотнома берди. Менинг стажимдан неварамни парвариш қилиш даври чиқарилганлиги сабаби шундаки, унинг онасига 16 ёшгача болаларнинг ногиронлиги бўйича нафақа тўланган, 2006 йилда эса унга ногирон боланинг онаси сифатида имтиёзли пенсия тайинланган эди.***

***Қуйидаги саволларимга жавоб берсангиз:***

***1. Ижтимоий таъминот бўлими пенсия 1992 йилдаёқ тайинланганлигини эътиборга олиб, иш стажимдан 17 йилу 6 ойни чиқариб тўғри иш қилганми? Қонун орқага қайтиш кучига эга эмас, тўғрими?***

***2. Неварамга ўзим қараганман. Қизим эса ишлаган, буни унинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ҳам тасдиқлайди. Менинг иш стажимдан болани парвариш қилиш даври чиқарилиши тўғрими?***

***3. Агар бу даврда суғурта бадаллари тўланган бўлса, пилла қурти боқиш даври тўғри чиқариб ташланганми?***

***4. Агар «иш стажини нотўғри ҳисоблаш» далили 2006 йилдаёқ аниқланган бўлса, нима учун пенсия миқдори фақат 2009 йил 1 мартдан қайта кўриб чиқилган?***

**Ҳурмат билан У.Алмуҳамедова.**

– Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида яшовчи У.Алмуҳамедованинг мурожаатномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқаролар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда *(1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон, бундан кейин – Қонун)* назарда тутилган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Ушбу Қонун билан давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланган: ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари. Қонуннинг 25-32-моддаларига асосан пенсияларнинг миқдори ҳар бир шахснинг меҳнат фаолиятининг давомийлиги ва ўртача бир ойлик иш ҳақининг миқдорига боғлиқ равишда ҳисоблаб чиқилади.



Умумий асослардаги пенсия аёлларга, улар 55 ёшга тўлганида ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда тайинланади. Қонуннинг 12-моддасига асосан беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар – болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ёшга доир пенсиялар ўртача бир ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорида белгиланади ва тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқ стажнинг ҳар бир тўлиқ йили учун, пенсиянинг таянч миқдори ўртача бир ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида оширилади ва мавжуд ҳуқуқига боғлиқ равишда, Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган устамалар берилади.

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади.

Қонуннинг 31-моддасига асосан фаолият тури, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, ходим охирги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет келган беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади ва олтмиш календарь ойидаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Қонуннинг 37-моддасига асосан фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади.

37-модда биринчи қисмининг «д» бандига биноан I гуруҳ ногиронига, 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади. Ушбу модда биринчи қисмининг «ж» бандига биноан онанинг (ўгай онанинг) болаларини (ўгай ўғилларини, ўгай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида иш стажига қўшиб ҳисобланади.

«е»-«к» бандларда назарда тутилган даврлар (ўқиш, болани парваришлаш ва бошқалар) 37-модда биринчи қисмининг «а»-«г» бандларида кўрсатиб ўтилган (иш, ҳарбий хизмат ва бошқалар) умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади. Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига эса «е»-«к» бандларида назарда тутилган даврлар «а»-«г» бандларда кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Қонуннинг 49-моддасига асосан пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, ногиронлик гуруҳи ёки пенсия тури, оила аъзолари сони ўзгарганда ва Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда пенсиянинг миқдори қайта ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Шу билан бирга маълум қиламизки, Президентнинг «Амалдаги фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрлаш бўйича Идоралараро комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига *(2009 йил 19 ноябрдаги Ф-3315-сон)* ҳамда Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига *(2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон)* мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасидаги пенсия таъминоти масалалари бўйича масъул комплекси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилди.

Юқоридагиларга асосан, келгусида фуқароларнинг пенсия масалалари бўйича тушаётган ариза ва шикоятларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан бирга кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

***А.МЎМИНОВ,***
***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари.***

– **1.** Қонун қайтар кучга эга эмас. Бироқ сизнинг ҳолатингизда пенсия тайинлаш пайтида йўл қўйилган хато аниқланганi тўғрисида сўз боряпти, уни тузатиш учун тегишли чоралар кўрилган.

**2.** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг *(1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон, бундан кейин – Қонун)* 37-моддаси еттинчи қисмига мувофиқ, ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди. Бироқ 16 ёшга тўлмаган ногирон болани парвариш қилиш вақти иш ҳисобланмайди, шу сабабли мазкур давр уни парваришловчи шахсга пенсия тайинланганидан кейин умумий стажига қўшилиши *мумкин (Қонун 37-моддаси биринчи қисмининг «д» банди)*. Бунинг учун унинг болани парваришлагани далилини тасдиқлаш зарур.

Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига* 12-илова)* 12-бандига биноан 16 ёшгача бўлган ногирон болани парвариш қилиш вақти қуйидагилар асосида аниқланади:

ижтимоий таъминот бўлими томонидан** маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой ташкилотлари) фуқаролар йиғинидан олинган маълумотлар, парвариш қилинган шахслар ва уларнинг қўшниларидан сўраб-суриштиришлар асосида тузиладиган парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси;

боланинг ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ТМЭКда кўрикдан ўтказилганлик далолатномасидан, тиббий хулосадан ва бошқа ҳужжатлардан кўчирмалар).

Болаликдан ногирон фарзандни 8 ёшгача тарбиялаган она белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга, яъни унга пенсия 50 ёшдан тайинланиши мумкин *(Қонун 12-моддаси биринчи қисмининг «з» банди)*. Бунинг учун у, биринчидан, боланинг мавжудлигини, иккинчидан, у болани тарбиялаш билан шуғулланганлиги далилини тасдиқлаши керак. 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронлик нафақаси ота-онага ёки, болани парваришлашни улар амалга оширмаган бўлсалар, тайинланган васийларга тўланади. Хатингизда кўрсатилишича, бола учун нафақани унинг онаси олган. Бу эса айни у болани парвариш қилганлигини кўрсатади, шу боис ҳам айни умубелгиланган ёшдан аввал пенсияга чиқиш ҳуқуқини олган. Бу ҳуқуқ эса фақат бир кишига берилади.

**3.** Суғурта бадаллари ушлаб қолинганлиги тўғрисидаги маълумотнома қабул қилинмаганлиги сабабларини аниқлаш учун сиз ижтимоий таъминот бўлими** ходимларига мурожаат қилиб, нима учун улар мазкур ҳужжатни қабул қилмаганликлари хусусида ёзма тушунтириш беришларини талаб қилишингиз керак. Агар у нотўғри расмийлаштирилган бўлса, маълумотномани тўғри расмийлаштиришларини талаб қилиб иш жойига мурожаат қилиш зарур. Бироқ рад қилишларига бошқа нарса сабабли бўлганлиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Илгари суғурта бадаллари тўланишини ҳисобга олиш тизими қонун ҳужжатлари билан лозим даражада тартибга солинмаган эди, кўп ташкилотлар бундан фойдаланиб, ажратмалар қилмас эдилар. Шу сабабли ижтимоий таъминот органлари ҳақиқатан ҳам суғурта бадалларини ўтказган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар сақланадиган базани шакллантирдилар. Агар ушбу базада ташкилот томонидан Пенсия жамғармасига ажратмалар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, ижтимоий таъминот бўлими бундай маълумотномани қабул қилмайди.

Бироқ сиз суғурта бадаллари тўланганлигини исботлаш учун мустақил равишда чоралар кўришга ҳақлисиз. Бунинг учун сизни қизиқтираётган давр учун суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида маълумотнома беришларини илтимос қилиб, солиқ хизмати органларига мурожаат қилиш лозим. Агар уларда ҳам бундай маълумотлар бўлмаса, ташкилот ҳақиқатан ҳам мажбурий ажратмаларни қилмаганлиги маълум бўлади, бу эса қонунни бузишдир. Қонун бузувчиларни жазолаш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашни суд орқали амалга ошириш мумкин (меҳнат стажини тиклаш тўғрисида биз «Норма маслаҳатчи»нинг 2009 йил 20 июлдаги 28-29 (209-210)-сонидаги «Фирма йўқолди. Стажчи?» материалида батафсилроқ ёзганмиз).

4. Иш стажини нотўғри ҳисоблаб чиқариш далили 2006 йилдаёқ аниқланганлигига қарамай, пенсия миқдори 2009 йил 1 мартдан бошлаб ҳам қайта кўрилиши мумкин. Бунинг турли сабаблари бўлиши мумкин, масалан, ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг мансабларига совуққон муносабати. Мазкур ҳолда улар жавобгарликка тортилишлари, бутун давр учун ортиқча тўланган пенсия суммаси эса қайтарилиши керак. Бунда, Қонуннинг 65-моддасига кўра, ҳар ойдаги ушлаб қолишлар янгидан ҳисоблаб ёзилган пенсия суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

---

**«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида».*

***Президентнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон) биноан 2010 йил 1 январдан бошлаб пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш* ***Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари*** *томонидан амалга оширилади.*

